

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ШАДИЕВА НИЛУФАР ИСКАНДАРОВНА**

**ВЕРТИКАЛ ЗОНАЛИКДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ  
ГУМУСЛИ ХОЛАТИ, ГУМУС МОДДАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ  
(ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13-Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
биологической наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc) on biological  
sciences**

**Шадиева Нилуфар Искандаровна**

Вертикал зоналикда тарқалган тупроқларнинг гумусли ҳолати, гумус  
моддаларининг шаклланиш механизмини тадқиқ этиш (Туркистон тоғ  
тизмаси мисолида)..... 3

**Шадиева Нилуфар Искандаровна**

Гумусное состояние почв вертикальной зональности, изучение  
процесса механизма формирования гумусовых веществ (на примере  
Туркестанского горного хребта)..... 29

**Shadieva Nilufar Iskandarovna**

Analysis of humus condition of vertical zoning soils and mechanism of  
humus matters formation (in example of Turkistan mountain range)..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ШАДИЕВА НИЛУФАР ИСКАНДАРОВНА**

**ВЕРТИКАЛ ЗОНАЛЛИКДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ  
ГУМУСЛИ ҲОЛАТИ, ГУМУС МОДДАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ  
(ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13-Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/B52 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziyounet.uz>) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тошқўзиев Маруф Мансурович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Ғулом**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Уразбоев Исматулла Уматович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Жаббаров Зафаржон Абдукаримович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй.Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soill.uz](mailto:info@soill.uz)).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси)

**Р.Қ.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Б.И.Ниязлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., катта  
илмий ходим

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси )**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда глобал иқлим ўзгариши натижасида тупроқ унумдорлигини асосий кўрсаткичи бўлган гумус моддасини йўқотилиши, яъни дегумификация, унинг унумдорлигини пасайиши, эрозияланиш, саҳроланиш каби жараёнларини жадаллашувига олиб келмоқда. Халқаро ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра дунё тупроқларининг қарийиб 33 % и турли даражада деградация жараёнларига учраган<sup>1</sup>. Шу сабабли дунёнинг барча мамлакатларида тупроқларда кетаётган деградация жараёнларини бартараф қилиш, уларнинг олдини олиш, экологик тоза тупроқни таъминлаш масаласи долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда тупроқларда гумус моддасининг ҳосил бўлиши, трансформацияси, гумуснинг мақбул, максимал, минимал миқдорлари ва уни бошқариш, башорат қилиш моделларини ва гумусли ҳолати бўйича маълумотлар базасини яратиш, гумус микроморфологияси, физик-кимёвий хоссалари каби масалалар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тупроқ қопламани турли стресс омилларга чидамлилигини ошириш ва экологик тоза маҳсулот етиштиришда органик деҳқончилик тизимини йўлга қўйиш, тупроқга органик, органоминерал, сидерат, биогумус ва биопрепаратлар қўллаш орқали тупроқни гумус моддаси билан бойитиш, экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Республика ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳаларида илмий, илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилиб, муайян натижаларга ҳам эришилмоқда. Бу борада республикамиз турли табиий-экологик минтақаларида эрозияланган тоғ тупроқлари унумдорлигини тиклаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш, эрозияга қарши чора-тадбирларни қўллаш каби масалалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилиб амалиётга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бандида «.....суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехногияларни жорий этиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунини ҳисобга олингани ҳолда республикамиз тупроқларининг унумдорлигини сақлаш, тиклаш, эрозия, дегумификация жараёнларининг олдини олиш ва гумус ҳосил бўлиш механизми,

---

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/soils-portal/soil-degradation>

қонуниятларини, улар билан тупроқ унумдорлигини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июль «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 530-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Тупроқларнинг гумус таркиби, гумусли ҳолати, гумус моддаларининг трансформацияси ва уларнинг шаклланиш механизми, гумус моддаларининг элемент таркиби, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан (CNPS) Миллий биологик тупроқшунослик илмий тадқиқотлар маркази (Франция), Атроф муҳитни тадқиқ этиш маркази (Германия), International Centre for Integrated Mountain Development (Швейцария), Department of Soil and Water Science University of Florida (АҚШ), Escuela de Agronomia, Pontificia Universidad Catylica de Valparaiso (Чили), Departement de Chimie, Universite de Montreal (Канада), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН (Россия), К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси (Россия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети (Россия), Дехқончилик институти ЦАЛНЛ (Литва), Успанов номидаги Тупроқшунослик ва агрокимё институти (Қозоғистон), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тупроқларнинг гумусли ҳолати, гумус ҳосил бўлиши, гумус экологияси, органик моддани трансформациясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқ унумдорлигини сақлаш, гумин препаратларини қишлоқ хўжалик экинларига қўллаш тизими ишлаб чиқилган (К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси, Россия); биогумус олиш ва уни тупроқга қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган ((CNPS) Миллий биологик тупроқшунослик илмий тадқиқотлар маркази, Франция); деградацияланган тупроқларда гумус

<sup>2</sup> [https://www.icimod.org](https://www.icimod.org;); <https://www.petersons.com>; <https://www.uniport.edu.ng>

ҳосил бўлишининг экологик функциялари ўрганилган, шунингдек тупроқлар гумусининг мақбул, максимал, минимал миқдорлари ва уни бошқариш, башорат қилиш моделлари ҳамда гумус захираси маълумотлар базаси ишлаб чиқилган (В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН, Россия, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети, Россия); гумус моддаларининг турли ўғитлар таъсирида трансформацияси, элемент таркиби ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган (В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН, Россия, К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси, Россия).

Дунё амалиётида тупроқларнинг гумусли ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олишнинг хавфсиз ва самарали усуллари ва илғор агротехнологияларни қўллаш бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: техноген ва антропоген омиллар таъсирида ифлосланган тупроқлар гумусли ҳолатини яхшилаш; деградацияланган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш; саҳроланиш жараёни таъсиридаги тупроқларнинг гумусли ҳолати ва тупроқ хоссаларининг ёмонлашишини бартараф этишга қаратилган агротехнологияларни қўллаш; глобал иқлим ўзгаришида парник эффекти ва CO<sub>2</sub> эмиссияси жараёнлари жадаллашишини олдини олишнинг илғор ечимларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда тупроқларнинг гумуси миқдори, фракцияли-гурухий таркиби, тарқалиш қонуниятлари бўйича илмий тадқиқотлар: Ф.Ю.Гельцер, П.Н.Костичев, Н.П.Ремезов, А.Н.Розанов, П.Н.Беседин ва шогирдлари, М.А.Белоусов, С.Н.Рыжовнинг шогирдлари билан изланишлари: (Рыжов, Ташкузиев, Рыжов, Зиямухамедов), Д.А.Махмудова ҳамда турли тоғ ва тоғ олди минтақаси тупроқларида, органик модда ва эрозияга учраган тупроқларнинг хосса-хусусиятларига оид изланишлар Х.М.Махсудов, И.Туропов, Р.Қ.Кўзиев, Д.С.Таирбаева, А.А.Адилов, М.Ф.Фахрутдинова, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Б.Раупова, Г.С.Мирхайдарова, Г.М.Набиева ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Тупроқларнинг зоналик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати ва гумусини таркибий қисмлари, гумус ҳосил бўлиш механизми қўриқ ва лалми эрозияга учраган тупроқларда мукамал ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Лекин тоғ ва тоғ олди тупроқларининг гумусли ҳолати, гумус ҳосил бўлиш механизмини, гумус моддаларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, уларнинг унумдорлиги борасидаги илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-Ф4-006 «Тупроқдаги органик моддани бошқаришнинг илмий асосларини яратиш»

(2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал, ЕА7-001 «Сангзор дарёси ҳавзасидаги вертикал минтақавийликда тарқалган тупроқларнинг кимёвий ҳолати ва физик, агрофизик хоссаларини яхшилаш, дегумификация жараёнларини олдини олишнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш» (2012-2013 йй.) ва ЁА7-006 «Турли агрофонлар таъсирида тоғ олди лалми тупроқларнинг унумдорлигини ўзгариши ва уни бошқаришнинг агротехнологик ечимларини ишлаб чиқиш (Сангзор ҳавзаси тупроқлари мисолида)» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги ёш олимлар амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тоғ, тоғ ёнбағирларида таркиб топган асосий тупроқ тип ва типчаларида гумус ҳосил бўлиши, шаклланишида табиий ва антропоген омилларнинг иштирокини тавсифлаш ҳамда ушбу тупроқлардаги гумуснинг таркиби, гумус моддаларининг айрим физик-кимёвий хоссалари ва гумусли ҳолатини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Туркистон тоғ тизмасининг республикамиз ҳудудида тарқалган кўрик ва лалми тупроқ тип ва типчаларининг қиялик экспозициялари бўйича кимёвий, физик ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

гумус ҳосил бўлиш механизмининг етакчи омиллари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда вертикал зоналикда тарқалган тупроқларда гумус ҳосил бўлишини тадқиқ этиш;

ушбу тупроқларнинг гумус миқдори, таркиби, захираси ҳамда гумусли ҳолатини аниқлаш;

эрозия жараёнларини тупроқнинг гумусли ҳолати ва унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

агротехник тадбирлар натижасида гумус моддаларининг шаклланиши ва тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

олинган натижалар асосида ўрганилган ҳудуднинг тупроқ гумус захираси картаси, гумус типи картограммасини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Туркистон тоғ тизмасининг республика ҳудудида тарқалган кўрик ва лалми тупроқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** тупроқларнинг гумуси, гумуснинг фракция таркиби, гумус кислоталарининг физик-кимёвий хоссалари, гумус типи, картограмма, гумус захираси, гумус ҳосил қилувчи омиллар, тупроқларнинг гумусли ҳолати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар умум қабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда генетик-географик, литологик-геоморфологик, солиштирма кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларидан фойдаланилди. Таҳлиллар «Агрохимические методы исследования почв», «Органическое вещество почвы», «Практикум по биохимии гумуса» ва «Руководство по химическому анализу почв» қўлланмалари асосида аниқланган. Маълумотларни математик - статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион (Б.А.Доспехов) услуби асосида ҳисобланган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Туркистон тоғ тизмаси кўриқ ва лалми тупроқларининг гумусли ҳолати, гумус ҳосил бўлиши механизмининг ўзига хос жиҳатлари исботланган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг гумусли ҳолати, физик-кимёвий хоссалари ва карбонатлар таркиби аниқланган;

турли иқлим шароитида шаклланган тупроқларда биологик фаоллик даври билан гумификация даражаси, гумин кислоталари орасидаги боғлиқлиги исботланган;

гумин кислоталарининг физик-кимёвий хоссалари - оптик зичлиги, коагуляция чегараси ҳамда гумуснинг энергия захираси аниқланган;

вертикал зоналикда тарқалган ҳар бир тупроқ тип ва типчалари гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркиби бўйича ўзига хос фарқланишлари аниқланган;

кўп йиллик тажриба тизимида олиб борилган тадқиқотлар асосида тупроқларда гумус моддаси шаклланиши ва унинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси аниқланган.

Туркистон тоғ тизмасининг шимолий қисми тупроқларининг гумус захираси картаси ва гумус типи картограммаси республика шароитида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эрозияга учраган тупроқлар унумдорлигини тиклаш ва ошириш, гумус моддасининг шаклланишида беда, ғалла экинлари алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш зарурияти аниқланган;

тупроқларда гумус ҳосил бўлиши, гумусли ҳолатини яхшилаш бўйича агротехнологияларни қўллашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Назарий жиҳатдан расмий манбалар асосида фойдаланилганлиги ва замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланганлиги, тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги; назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, олинган экспериментал маълумотларга статистик ишлов берилганлиги ва Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этган Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий нашрларда чоп этилганлиги ва муҳокама қилинганлиги, натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ ва тоғ олди арид иқлим шароитида шаклланган тупроқларнинг гумус ҳосил бўлиш жараёнлари ва механизмини тупроқ ҳосил бўлишидаги, гумусли ҳолатидаги ўрни ёритиб берилганлиги, гумус ҳосил бўлишида экинларни алмашлаб экишни ўрни муҳимлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқларнинг гумус миқдори, захираси, уларнинг эрозия жараёнига боғлиқлиги, гумус моддаларини тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш, эрозия

жараёнларини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вертикал зоналикда тарқалган тупроқларнинг гумусли ҳолати, гумус моддаларининг шаклланиш механизмини тадқиқ этиш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

«Тупроқларда гумус ҳосил бўлиши, гумусли ҳолатини яхшилаш бўйича агротехнологияларни қўллашга доир амалий тавсиялар» Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 майдаги 02-05-4252-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар тоғ ва тоғ олди минтақаси тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ноқулай рельефли, эрозияланган ҳудудлар тупроқларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

1:10000 масштабни ишлаб чиқилган гумус типни картограммаси Жиззах вилояти Бахмал туманидан танлаб олинган калит майдонининг тўқ тусли бўз тупроқлари учун жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 29 майдаги 02-05-4252-сон маълумотномаси). Натижада гумус типни картограммаси маълумотларидан гумус моддасининг йиғилиши ва йўқотилишини мониторинг қилишда фойдаланилган ҳамда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш имконини берган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг гумус захираси картаси ва гумус типни картограммаси маълумотлари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 24 майдаги 05/05-1421-сон маълумотномаси). Ушбу картографик маълумотлар қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштиришда, ўрмонзор, боғ ва тоқзорларни барпо қилиш ва уларни парваришlashдаги агротехнологик тадбирлар ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили ТАИТИнинг махсус комиссияси томонидан синовдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот материаллари ҳар йили илмий ҳисоботлар ТАИТИ Илмий кенгашида, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида (Барнаул, Олмаота, Бишкек, Жиззах шаҳарларида) маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шундан, 1та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лалми ва суғориладиган тупроқларни гумусли ҳолати, органик моддаси, гумус ҳосил бўлиши ва уларга эрозиянинг таъсири**» деб номланган биринчи бобида гумуснинг тупроқдаги миқдори, географик тарқалиши ва профил бўйлаб миграцияси ҳамда уларнинг тупроқ унумдорлигидаги роли, тупроқ эрозияси ва унга боғлиқ ҳолда гумус моддасининг ўзгаришига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, гумус моддасини шаклланиш механизми, ҳосил бўлиш омиллари, эрозия жараёнларини тупроқ унумдорлиги, тупроқ биологик фаоллигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан адабиёт маълумотлари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг хулоса қисмида тупроқларнинг зоналик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати ва гумусининг таркибий қисмлари, гумус ҳосил бўлиши масалалари лалми ва кўриқ эрозияга учраган тупроқларда мукамал ўрганилмаганлиги сабабли ушбу муаммони ўрганиш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудини тупроқлар пайдо қилувчи табиий–тарихий шароитлари, объекти ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишларини бажариш давомида Жиззах вилоятининг Зарбдор, Ғаллаорол ва Бахмал туманларида ҳудуднинг рельефи, ўсимликлар қоплами, тупроқ тип ва типчаларини ҳисобга олган ҳолда, 42 та таянч тупроқ кесмалари қўйилган. Белгиланган вазифалар лалми ва кўриқ тупроқлари қопламини солиштирма-географик, солиштирма-аналитик ва экспедицион тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланиш асосида ўз ечимини топди. Тадқиқот ишларини амалга оширишда Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли-донли экинлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол филиали фонди материаллари ва илмий адабиёт маълумотларидан фойдаланилди ва умумлаштирилди. Расмлар ва графиклар Microsoft Excel дастури асосида тайёрланди. Объектларни жойлашган ўрни, баландлиги ва координаталари JPS-60 асбоби ёрдамида аниқланди.

Тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар орқали бажарилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудуди тупроқлари шароитида гумус ҳосил бўлишига таъсир этувчи асосий омиллар**» деб номланган учинчи бобида иқлим ва рельеф, ўсимлик қоплами ва тупроқ биологик фаоллиги

омилларнинг гумус ҳосил бўлишига таъсири ва аҳамияти бўйича тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

“Иқлим ва рельеф гумус ҳосил бўлиш механизмининг етакчи омили” номли бўлимида қуйидагилар баён этилган. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири юқорига кўтарилган сари атмосфера ёғинлари миқдори ҳам ортиб боради, натижада ўсимлик қоплами турлари, гумус миқдори ва гумусли қатлам қалинлиги ошади ва гумус ҳосил қилувчи жараёнлар ҳам бир мунча жадаллашади. Гумус ҳосил бўлишида энг муҳим бўлган иқлим кўрсаткичлари рельеф шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгаради ва яъни, денгиз сатҳидан баландлашган сари, ўрганилган ҳудуднинг радиация баланси ортиб борган. Радиация баланси тоғ олди текисликларида  $47 \text{ ккал/см}^2$ , баланд тоғ минтақасида  $53 \text{ ккал/см}^2$  ни ташкил этади. Совуқсиз кунлар давомийлиги тоғ олди текисликларидан баланд тоғ минтақаси томон юқорилашган сари (196-170 кунга) камайиб боради.  $10 \text{ C}^0$  юқори ҳарорат йиғиндиси ушбу ҳудудда  $2547 \text{ C}^0$  ни ташкил этади.  $12 \text{ C}^0$  юқори ҳароратли кунлар давомийлиги тоғ олди текисликларида 234 кун, ўрта ва баланд тоғ минтақасида 230-225 кунни ташкил этади. Ўртача йиллик ҳарорат  $15,0-11,2 \text{ C}^0$ , йилнинг энг иссиқ ойи ҳарорати тоғ олди текисликларида  $+41,1 \text{ C}^0$ , тоғ олди адирларида  $+40 \text{ C}^0$ , ўрта ва баланд тоғ минтақасида  $35,4-35,0 \text{ C}^0$  атрофида бўлади. Йилнинг энг совуқ кунлари  $-13,2 \text{ C}^0$  дан  $-17,6 \text{ C}^0$  гача ўзгаради. Йиллик ёғинлар миқдори 382-500 мм ни ташкил этади.

Турли тупроқ-иқлим зоналарида атмосфера ёғинлари, гидротермик шароитларга кўра биологик фаоллик даври (БФД)нинг турлича бўлиши гумус миқдорига ва унинг сифатига кескин таъсир этади. Оч тусли бўз тупроқларда ушбу кўрсаткичнинг қисқа бўлиши (75 кун) асосан намликнинг кам бўлиши билан характерланади. БФД нинг давомийлиги энг кўп бўлган (95-100 кун) тоғ жигарранг ва оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларида гумин кислотларининг кўпроқ тўпланиши учун яхши шароит яратилади. Тадқиқ этилган тоғ минтақаси тупроқлари тоғ олди текислигида тарқалган бўз минтақаси тупроқларига нисбатан 2,1-2,4 марта юқори гумификация даражасига эга.

Гумуснинг энергия захираси асосан тупроқ микрофлорасини фаолиятида, тупроқда кечадиган турли жараёнлар ва тупроқ унумдорлигини сақлаб туриш учун сарфланади. Шунингдек, гумусни энергия захирасини ҳисобга олиш гумус ҳосил бўлиш механизми ва тупроқ ҳосил бўлиш қонуниятларини билишда муҳим босқич саналади. Шу сабабли, тадқиқ этган тупроқларнинг 0,5 м қатлами учун гумус энергия захирасини ҳисоблаб чиқилган. Бунда гумусни энергия захираси оч тусли бўз тупроқларнинг жанубий экспозициясида 240,6 млн. ккал/га, шимолий экспозицияда 264,6 млн. ккал/га бўлган. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда юқоридагига мос ҳолда 344,1-422,8 ва 470,0-582,9 млн. ккал/га энергия захирасига эга. Карбонатли тоғ жигарранг тупроқларида жанубий экспозицияда 453,0 млн. ккал/га, шимолий экспозицияда 603,1 млн. ккал/га, типик ва кучсиз

ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларнинг жанубий экспозициясида 499,1-576,8 млн. ккал/га ва шимолий экспозициясида 657,9-757,4 млн. ккал/га энергия захираси мавжуд. Ўрганилган тупроқларда энг кўп энергия захираси оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларида 844,7-870,7 млн. ккал/га ни ташкил этган. Ўрганилган тупроқларда жанубий экспозиция тупроқларига нисбатан шимолий экспозиция тупроқларида 1,1-1,5 марта кўп энергия захираси мавжудлиги аниқланган.


Гумификация чуқурлиги (Сгк:Сфк нисбати) ва тупроқ биологик фаоллик давомийлиги билан юқори коррелятив боғлиқлик мавжуд. Бунда энг юқори боғлиқлик  $r=0,91$  БФД билан гумификация чуқурлиги (Сгк:Сфк нисбати) кўрсаткичи ўртасида аниқланди. Ушбу кўрсаткич шундан далолат берадики, БФД кўрсаткичи гумификация жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Энг кам боғлиқлик  $r=0,14-0,10$  БФД ва фульвокислоталари ўртасида мавжудлигини натижалар тасдиқлади. Гумин кислоталари ва органик модданинг гумификация даражалари билан БФД кўрсаткичи ўртасида ўзаро  $r=0,87-0,76$  кўрсаткичдаги боғлиқлик мавжуд. ГК-2 ва ГК-3 кўрсаткичлари ва иқлим кўрсаткичлари ўртасида  $r=0,73-0,88$  боғлиқлик мавжуд.

“Ўсимлик қоплами ва тупроқ биологик фаоллиги омилларининг гумус ҳосил бўлишига таъсири ва аҳамияти” бўлимларида қуйидагилар баён этилган: Вертикал зоналик бўйлаб юқорилашган сари ер устки ва ер остки массаси миқдори ортган. Яъни, энг кам миқдор лалми оч тусли бўз тупроқларда қайд этилган бўлиб, унда 0-20 смли қатламнинг  $1\text{м}^2$  даги ер устки массаси  $148,1\text{ г/см}^2$  ни ташкил этган бўлса, типик бўз тупроқларда бу кўрсаткич  $162,8\text{ г/см}^2$ ; тўқ тусли бўз тупроқларда -  $258,1\text{ г/см}^2$ ; тоғ жигарранг тупроқларнинг 3 та типчасида  $276,0-803,6\text{ г/см}^2$ ; оч тусли қўнғир-ўтлоқи тупроқларда  $1072\text{ г/см}^2$  ни ташкил этган. Ер остки биомассаси миқдори ер устки массасига кўра 2,0-2,6 марта кўп йиғилган.

Ер остки массаси, яъни, ўсимликлар илдиз қисми 2 гуруҳ (чириган ва ҳали чиримаган) га бўлиб ўрганилди. Бунда чириган илдизлар, уларнинг суммасига нисбатан 46,45% дан 52,82 % гача бўлган миқдорни ташкил этади. Чириган илдизлар чиримаган илдизларга нисбатан устунлик қилади. Ушбу кўрсаткичлар эрозияланганлик даражаси ва қиялик экспозицияси ва тупроқ типи, унинг жойлашган ўрни ва намлик билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Ўсимликлар биомассасининг йил мавсумлари бўйича динамикаси кузатилди. Бунда ўсимликлар ер устки ва ер остки биомассаси баҳор (май) даги мавсумда, кузги (сентябрь) мавсумига нисбатан 1,3-1,4 марта кўплиги аниқланди. Тупроқ типларига кўра ер устки ва остки биомасса миқдори тоғ олди текисликларидан баланд тоғ минтақаси тупроқларига томон ортиб борган. Ўсимликлардан қоладиган биомасса тупроқ гумусининг ҳосил бўлишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Тупроқда биомассанинг юқори бўлиши гумус моддаси билан тупроқни доимий бойиб боришини таъминлаб, тупроқларнинг структурали ва сув-физик хусусиятларини яхшиланишига, натижада эрозиянинг олдини олинишига сабаб бўлади.

Гумус ҳосил бўлишида тупроқ биологик фаоллигининг аҳамиятига кўра ўрганилган тупроқларда энг юқори нафас олиш жадаллиги ювилмаган кўриқ оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқда аниқланди ва 8,6-14,4 мг CO<sub>2</sub> ни ташкил этди. Тадқиқотлар натижасида шимолий экспозицияда жойлашган оч-кўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларида нафас олиш хусусиятининг жанубий экспозицияга нисбатан жадаллиги аниқланди. CO<sub>2</sub> нинг ажралиб чиқиш интенсивлиги шимолий экспозицияда 7,4-12,8 мг, жанубда эса 6,5-11,0 мг га тенг бўлган (1-расм).



**1-расм. Лалми тупроқларининг нафас олиш хусусияти**


Тупроқдан карбонат ангидрид газининг ажралиб чиқиш жадаллиги асосан устки гумусли қатламларда юқорилиги аниқланган.

Тупроқларнинг нафас олиш хусусияти баҳор ва ундан кейинги ўринда куз фаслида жадал кечиши аниқланган. Ёз мавсумида ушбу жараён бир мунча пасайиши олинган натижаларда исботланган. Бунга асосий сабаб баҳор ва куз мавсумларида қулай гидротермик шароит мавжуд бўлади. Айниқса, баҳор мавсумида ўсимликлар биомассаси жадал ривожланиш босқичида бўлиб, ҳарорат ва намлик ҳам етарли даражада бўлади, бу вақтда ўз навбатида сувда эрувчи гумус миқдори ҳам ортиши кузатилди.

Сувда эрувчи гумус эса тупроқда микроорганизмалар фаолиятининг жадаллашувига ҳам таъсир этади. Сувда эрувчи гумус бўз тупроқлардан тоғ жигарранг ва оч-кўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларига томон ортиб бориши кузатилди. Нафас олиш жадаллиги ҳам бўз тупроқлардан тоғ жигарранг ва оч-кўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлари, жанубий қиялик тупроқларидан шимолий қиялик тупроқлар, шунингдек ювилган тупроқлардан ювилмаган (сув айирғич) тупроқлар томон жадаллашиши қайд этилди. Таҳлиллар натижасида ферментлар фаоллиги ва нафас олиш жадаллиги билан гумус миқдори ўртасидаги аниқланган ўзаро алоқадорлик тупроқдаги органик модданинг биологик фаоллиги билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. Бунда тупроқнинг нафас олиши жадаллиги ( $r=0,89-0,94$ ) ва ферментлар фаоллиги ( $r=0,88-0,98$ ) билан гумус миқдори ўртасида яқин боғлиқлик аниқланган.

Эрозияланган тупроқларда гумуснинг умумий миқдори камайган. Гумус миқдorigа бевосита боғлиқ равишда тупроқда ферментлар фаоллиги

хам ўзгарган. Тадқиқотлар натижасига кўра, эрозияланган лалми тоғ тупроқларидаги каталаза, дегидрогеназа, пероксидаза, полифенолоксидаза ферментлар миқдори ҳамда тупроқнинг нафас олиш жадаллиги гумус ва озика элементлари миқдорига мос равишда ўзгарган (2-расм).



2-расм. Лалми тупроқларининг ферментлар фаоллиги

Тупроқда ферментларнинг нормал фаолияти асосий озика элементларининг айниқса, азот, фосфор ва калий миқдорларининг етарли даражада бўлишига боғлиқ равишда юзага келади. Бундай боғлиқлик ўрганилган фермент турларининг тупроқнинг структураланиши ҳамда гумус ҳосил бўлиш жараёнларида фаол иштирок этишидан далолат беради. Ферментлар фаолияти натижасида органик моддалар ва жонзотлар қолдиқлари турли оралиқ ҳамда тугалланган минерализация маҳсулотларигача парчаланади.

Бу пайтда микроорганизмлар ва ўсимликларнинг озикланиши учун ўзлаштириладиган озика моддалари ҳосил бўлади. Изланишлар давомида ферментлар фаоллиги ҳамда умумий азот ( $r=0,94-0,98$ ), фосфор ( $r=0,89-0,95$ ) ва калий ( $r=0,86-0,94$ ) миқдори ўртасида узвий боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, тупроқнинг нафас олиш хусусияти ҳамда озика элементлари миқдори ўртасида ҳам яқин боғлиқлик кузатилди (нафас олиш билан азот ўртасида  $r=0,85-0,96$ , фосфор  $r=0,78-0,90$  ва калий  $r=0,80-0,91$ ).

Шундай қилиб, тоғ тупроқларининг биологик фаоллигини комплекс ҳолда ўрганиш учун уларнинг экологик-генетик хусусиятларини белгиловчи барча параметрларни ҳисобга олиш зарур, чунки тупроқнинг биологик фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар нафақат айнан бир хоссасига, балки унинг атрофида рўй бераётган барча тизим ва жараёнларга ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Диссертациянинг «Тадқиқ этилган тупроқлар, уларнинг морфологияси, асосий физик хоссалари таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида тоғ ва тоғ олди тупроқларининг асосий тип ва типчаларининг морфогенетик кўрсаткичлари, уларга эрозия жараёнларининг таъсири, ўрганилган тупроқларни механик таркиби, уни тупроқ унумдорлиги ва гумус тўпланишидаги аҳамияти, умумий физик хоссалари ва агрегатларини сувга чидамлиги бўйича дала ва лаборатория тадқиқотларидан олинган натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг кимёвий ва физик-кимёвий хоссалари» деб номланган бешинчи бобининг «Кимёвий хоссалари» бўлимида Сангзор ҳавзасининг тоғ ва тоғ олди тупроқлари асосий тип ва типчаларида кимёвий хоссаларига оид маълумотлар келтирилган. Бунда эрозия жараёнлари тупроқларни кимёвий хоссаларига салбий таъсир кўрсатган, натижада гумус ва озика элементлари азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдори қиялик экспозицияси ва эрозияланиш даражасига қараб камайган. Шунингдек кўриқ тупроқларга нисбатан лалмикор деҳқончиликга жалб этилган ерларда уларнинг миқдори сезиларли 1,5-1,8 марта камайган. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Тадқиқ этилган ҳудуд тупроқларининг сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар таркиби бўлимида лалми ва кўриқ тупроқларни сингдириш сифими миқдори ўрганилган барча тупроқларда гумус моддасига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Сингдирилган катионлар ичида кальций асосий етакчи ўринда бўлиб, унинг энг кўп миқдори типик тоғ жигарранг тупроқда, ундан кейинги ўринда тўқ тусли бўз тупроқда ва энг кам улуши оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларда кузатилди. Тадқиқ этилган барча тупроқлар икки валентлик асослар билан тўйинган бўлиб, ушбу тупроқларнинг ижобий физик-кимёвий хусусиятга эгалигидан далолат беради. Натрий катионининг улуши ўрганилган тупроқларда 2,5-5,0% оралигида бўлиб, шўртобланмаган тупроқлар ҳисобланади.


Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг карбонатлар миқдори ва таркиби бўлимида Лалми типик тоғ жигарранг тупроқларда карбонатлар миқдори карбонатли ва кучсиз ишқорсизланган типчаларига нисбатан 2,0-3,5 марта кам, яъни юқори қатламларда 3,94-6,41%, қуйи қатламларда 4,80-8,62% оралигида фаркланади. Оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларида карбонатларни миқдори яна ҳам кам бўлиб, 1,51-4,93% атрофида эканлиги аниқланди.  $\text{CaCO}_3$  ни миқдори ўрганилган барча тупроқларнинг генетик қатламларда сув айирғич қисми ва шимолий экспозициясида бир текис тарқалган. Жанубий экспозиция тупроқларида юқори қатламлардан қуйи қатламларига томон унинг миқдори ортиб борган.  $\text{MgCO}_3$  миқдори асосан тупроқнинг қуйи қатламларида юқори қатламларга нисбатан ортган.

Диссертациянинг «Ўрганилган тупроқларнинг гумусли ҳолати» деб номланган олтинчи бобида тоғ ва тоғ олди тупроқлари гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркиби, гумусли ҳолати, гумус моддаларининг физик-кимёвий хоссалари ва Туркистон тоғ тизмаси тупроқларининг гумус захираси ҳамда ушбу тупроқларда гумус моддалари шаклланиши масалаларига доир тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Туркистон тоғ тизмасида шаклланган тупроқлар гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркибини тадқиқ этиш орқали ҳар бир тупроқ типига ўзига хос бўлган хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳолда гумус ҳосил бўлиши аниқланди. Бунга кўра, вертикал зоналикнинг қуйи қисмида тарқалган бўз тупроқларда гумус ҳосил бўлиш жараёни тупроқнинг минерал қисми билан



мустаҳкам боғланган гумус моддаларининг устунлик қилиши билан характерланади. Оч тусли бўз тупроқларда бутун профил бўйлаб, типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидан кейинги қуйи қисмида гумин моддаси кўп йиғилган. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг юқори қисмидагина фаол гидролизланадиган модда гидролизланмайдиган моддадан устунлик қилади. Бунга сабаб ушбу қатламларда янгидан шаклланаётган гумус моддалари кўп миқдорни ташкил этиб, қуйи қатламларда гумин моддаси гидролизланадиган фаол гумус моддасидан устунлик қилади ва унинг миқдори 47,88-56,76% ни ташкил этади. Бундай устунлик шимолий экспозицияда ҳам намоён бўлган. Шимолий экспозицияда шаклланган тупроқларда, айниқса, тўқ тусли бўз тупроқларда гумус моддаларининг гидролизланадиган фаол қисми устунлик қилиши аниқланган (3-4 расмлар).




**3-расм. Лалми бўз тупроқлар гумус таркиби ( $C_{\text{умумий}}$ га нисбатан % да)**

Лалми бўз тупроқлар гумус таркибини тадқиқ этиш орқали шундай тўхтамга келиш мумкинки, ушбу тупроқларда гумус ҳосил бўлиши гумин кислоталарининг конденсацияси гумин гуруҳларининг шаклланиши билан кечган. Бўз тупроқлар гумуси фракциявий таркибига кўра, 2- фракция кальций билан боғланган қисми гумин ва фульвокислоталари гуруҳларида устунлик қилган.

Гумин кислотасининг 1-фракция миқдори умумий углерод миқдори билан боғлиқ ҳолда асосан ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 4,18-7,81% бўлиб, қуйи қатламларга томон 2,35-4,96% гача камайган. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда агрессив фульвокислота миқдори оч тусли бўз тупроқларга нисбатан 1,1-1,5 марта кўп. Бунга сабаб, оч тусли бўз тупроқлар типик ва тўқ тусли бўз тупроқларга нисбатан анча қуруқ иқлимли шароитда тарқалган, ўсимликларнинг биомассаси ҳам шунга боғлиқ ҳолда анча кам тўпланади. 3-фракция миқдори шимолий экспозицияда тарқалган типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг 40-80 см ли қатламларида 10,21-10,79% гача ортган. Демак, бу қатламларда етарли намлик ва қулай ҳарорат натижасида лойланиш жараёни юз бераётганидан далолат беради. Фульвокислоталари гумин кислоталаридан бутун профил бўйлаб устунлик қилади. Сгк:Сфк нисбати

юқори қатламларда оч тусли бўз тупроқларда 0,68-0,75, типик бўз тупроқларда 0,79-0,83. Тўқ тусли бўз тупроқларда 0,90-0,86 ни ташкил этади.



#### 4-расм. Лалми тоғ тупроқларини гумус таркиби, ( $C_{\text{умумий}}$ га нисбатан % да)

Тоғ жигарранг тупроқлари гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркиби бўйича бўз тупроқлардан фарқланувчи жиҳатлари намоён бўлди. Карбонатли тоғ жигарранг тупроқлари гумусининг таркибига кўра, кальций билан мустаҳкам боғланган қисми (2-фракция) гумус кислоталарининг гумин ва фульвокислоталари гуруҳида ҳам барча генетик қатламлари бўйича (6,08-14,87% ва 5,96-12,77%) устунлик қилиши билан фарқланган. Гумин кислотасининг 1-фракция миқдори умумий углерод миқдори билан боғлиқ ҳолда, асосан ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 5,51-9,74% бўлиб, қуйи қатламларга томон 4,86-4,27% гача камайган.

Тоғ жигарранг тупроқларининг учта типчасида ҳам агрессив фульвокислота миқдори 1,46-9,68% атрофида тебранади. Маълумки, тоғ жигарранг тупроқлари қулай гидротермик шароитга эга бўлган ҳудудда шаклланганлиги сабабли ўсимликлар биомассаси ҳам шунга боғлиқ ҳолда кўп тўпланади ва агрессив фульвокислоталар ҳосил бўлишига қулай муҳит яратилади. 3-фракция миқдори шимолӣ экспозицияда тарқалган карбонатли тоғ жигарранг тупроқларнинг 40-75 см ли генетик қатламларида 10,63-11,34% га, типик ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларининг 48-80 см ли қатламида 10,24-10,86% ва 11,97-12,08% га ортган. Бу генетик қатламларда етарли намлик ва қулай ҳарорат натижасида лойланиш жараёни юз бераётганидан далолат берган. Тоғ жигарранг тупроқларнинг барча типчаларида гидролизланадиган модда 50,35-65,08% атрофида бўлиб, бутун кесма қатламлари бўйлаб гидролизланмайдиган моддадан устунлик қилган.

Оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларида гумин кислоталари гуруҳида 1-фракцияси яққол устунлик қилади, фульвокислоталарни гуруҳидан 1-фракцияси ва 1а агрессив фульвокислотаси қолган фракциялардан устунлик қилган. Бу шундан далолат берадики, оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлари намлик етарли бўлган муҳитда шаклланганлиги учун уларда гумус кислоталарининг ҳаракатчан лабил шакллари кўпроқ ҳосил бўлади. Гумус моддалари лабил шаклларининг кўп бўлиши ўз навбатида ушбу тупроқларни яхши структурага эга бўлишига, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ривожланиши учун яхши муҳит яратади. Гидролизланадиган модда бутун

тупроқ профили бўйлаб гидролизланмайдиган моддадан устунлик қилиши билан бошқа тип тупроқлардан ажралиб туради. Оч-қўнғир ўтлоқи-дашт ва кучсиз ишқорсизланган, типик тоғ жигарранг тупроқлари гумуси сифат жиҳатдан карбонатли тоғ жигарранг ва бўз тупроқларига нисбатан сифатли ҳисобланган. Айтиш мумкинки, ушбу тупроқларда гумус моддаси карбонатли тоғ жигарранг ва бўз тупроқ типчаларига қараганда катта ёшга эга. Гидролизланадиган модданинг энг кам миқдори жанубий экспозицияда шаклланган тупроқларга тўғри келди. Унинг миқдори оч тусли бўз тупроқлардан оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларга томон 39,67-58,20% гача ортган.

Тадқиқ этилган тупроқларда гумин кислотасининг физик-кимёвий хоссаларидан оптик зичлигини аниқлаш бўйича олинган маълумотларга кўра, уларда гумин кислота миқдорига боғлиқ ҳолда Е4:Е6 нисбати бўз тупроқларда 3,8-4,6 оралигида бўлиб, бўз тупроқларда тоғ тупроқларига нисбатан гумусни парчаланиши гумус йиғилишига нисбатан тез кечиши натижасида ушбу тупроқлар таркибида янги гумус моддалари ҳосил бўлади ва органик моддаларнинг янгилиниши жадалроқ кечади. Е4:Е6 нисбати тоғ жигарранг тупроқларини учта типчасида 3,2-3,8 оралигида бўлиб, уларнинг иллювиал қатламида оптик зичлик сезиларли ортган. Гумус моддаларининг оптик зичлигига гидротермик шароит ҳам ўз таъсирини ўтказади, оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлари ароматик углерод боғларини конденсацияланиши тоғ жигарранг тупроқларига нисбатан паст бўлиб, Е4:Е6 нисбати 4,1-4,2 ни ташкил этиши аниқланди.

Гумин кислотасининг коагуляция чегараси маълумотларига кўра, бўз тупроқлар, карбонатли ва типик тоғ жигарранг тупроқлари тўлиқ коагуляцияга учради, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда коагуляция охиригача бормади, оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлари коагуляцияга учрамади, бунга сабаб гумус кислоталари таркибида қўнғир модда миқдори кўп бўлса, электролитга бардошли бўлади, агар таркибда кальций билан боғланган 2- фракция кўп бўлса, тўлиқ коагуляцияланади.

Тупроқ профили генетик қатламларида гумус миқдорини тақсимланиши гумусли ҳолатини белгилашда муҳим кўрсаткичлардан саналади. Гумус миқдори тоғ ва тоғ олди минтақаси тупроқлари учун уларни эрозияга учраган ёки учрамаганлигини белгиловчи муҳим диагностик кўрсаткичлиги билан аҳамиятлидир. Вертикал зоналикда тарқалган тупроқ типларида баландлик ортишига мос равишда уларнинг «А» қатламида гумус миқдори кам, ўртача, ўртачадан юқори ва юқори кўрсаткичгача ортиб борган. Бу эса, тоғ тупроқларда гумус моддаларини шаклланиши юқори эканлигини ва бўз тупроқларда кетаётган гумификация жараёнидан устунлигини аниқланган (1 ва 2-жадваллар).

Органик модданинг гумификация даражаси ( $C_{гк}:C_{гум} \times 100\%$ ) оч тусли бўз тупроқларда 18,9% бўлиб, -кучсиз (10-20%) типик бўз тупроқларда 25,7%, тўқ тусли бўз тупроқларда 27,6% бўлиб, ўртача (20-30), карбонатли тоғ жигарранг, типик ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда

32,53; 31,5 ва 31,8 % бўлиб, юқори (30-40%); оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларда 39,9% бўлиб- юқори (30-40%) кўрсаткичга эга.

“Эркин гумин” кислоталари улуши (Гк суммасидан %да) оч тусли бўз тупроқларда 22,3%, типик бўз тупроқларда 26,8% ва тўқ тусли бўз тупроқларда 28,3%, тоғ тупроқларида асосан 23,6-30,3% оралигида бўлиб, тасниф бўйича– паст (20-40) кўрсаткичдалиги аниқланган.

Фк-1а (СФк-1а) фракция миқдори, С умумийдан оч тусли бўз тупроқларда 22,2% - юқори (15-25%), типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда 27,1; 27,7% бўлиб, тасниф бўйича - жуда юқори (25-50%) кўрсаткичда. Карбонатли тоғ жигарранг ва оч-қўнғир-ўтлоқи-дашт тупроқларида 26,0% ва 25,7% бўлиб, тасниф бўйича - жуда юқори (25-50%) кўрсаткичда, типик ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқда 21,5-21,8% бўлиб, тасниф бўйича – юқори (15-25%).

### 1-жадвал

#### Лалми бўз тупроқларнинг гумусли ҳолати\*

№	Белгиси	Оч тусли бўз	Типик бўз	Тўқ тусли бўз
1.	Тупроқни ҳайдалма “А” қатламидаги гумус миқдори, %	0,94 кам	1,11 ўртача	1,51 ўртачадан юқори
2.	Гумус захираси, т/га 0-30см	32,40 кам	39,8 ўртача	54,3 ўртача
	Гумус захираси, т/га 0-100см	67,63 кам	103,8 ўртача	138,2 ўртачадан юқори
3.	Органик модданинг гумификация даражаси, Сгк/Сумум х 100%	16,0 кучсиз	22,9 ўртача	23,2 ўртача
4.	Гумус типи, Сгк/Сфк 0-30 см	0,68 фульватли	0,79 гуматли- фульватли	0,90 гуматли- фульватли
	Гумус типи, Сгк/Сфк 0-100 см	0,50 фульватли	0,64 фульватли	0,61 фульватли
5.	«Эркин гумин» кислоталари улуши, Гк суммасидан, %	26,1 паст	24,7 паст	21,5 паст
6.	ФК - 1а (Сфк - 1а) фракция миқдори, С умумийдан %	20,8 юқори	25,1 юқори	24,0 юқори
7.	Са билан боғланган ГК улуши, Гк суммасидан, %	38,0 паст	40,7 ўртача	39,8 паст
8.	Минерал қисм билан мустаҳкам боғланган ГК улуши, ГК суммасидан, %	35,9 юқори	34,5 юқори	38,7 юқори
9.	Гумуснинг азот билан таъминланганлиги, С:N	6,2 юқори	10,5 ўртача	9,1 ўртача
10.	Сувда эрувчи органик модда миқдори (С <sub>св</sub> ), Сорг нисбатан %	1,73 юқори	1,60 юқори	2,82 жуда юқори
11.	Биологик фаол давр (кун)	75 қисқа	77 қисқа	90 қисқа

\*Изоҳ: жадвалда гумусли ҳолати маълумотлари жанубий экспозиция тупроқлари учун келтирилган.

Бўз тупроқларда Са билан боғланган Гк улуши Гк суммасидан 37,8-39,6% оралигида бўлиб, тасниф бўйича – паст (20-40%) кўрсаткичда, тоғ

тупроқларида асосан 35,4-10,36 % оралигида бўлиб, тасниф бўйича – паст (20-40%) кўрсаткичдалиги аниқланди.

Минерал қисм билан мустаҳкам боғланган Гк улуши Гк суммасидан бўз тупроқларда 33,9-38,1% оралигида бўлиб, тасниф бўйича - жуда юқори (30-40%). Тоғ тупроқларида 29,6-34,4% оралигида бўлиб - юқори (20-30%) ва жуда юқори (30-40%) кўрсаткичга эга.

## 2-жадвал

### Лалми тоғ жигарранг ва оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларнинг гумусли ҳолати\*\*

№	Белгиси	Тоғ жигарранг тупроқ			Оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқ
		Карбонатли	Типик тоғ жигарранг	Кучсиз ишқорсизланган	
1.	Тупроқни ҳайдалма “А” қатламидаги гумус миқдори, %	1,62 ўрт.н юқори	2,04 юқори	2,20 юқори	3,00 юқори
2.	Гумус захираси, т/га 0-30см	57,95 ўртача	69,40 ўрт.н юқори	69,38 ўрт.н юқори	94,62 юқори
	Гумус захираси, т/га 0-100см	143,80 ўрт.н юқори	120,20 ўрт.н юқори	122,80 ўрт.н юқори	209,05 юқори
3.	Органик модданинг гумификация даражаси, Сгк/Сумум х 100%	30,3 юқори	28,30 ўртача	28,30 ўртача	38,40 юқори
4.	Гумус типи, Сгк/Сфк 0-30 см	0,93 гуматли-фульватли	1,02 фульватли-гуматли	1,12 фульватли-гуматли	1,17 фульватли-гуматли
	Гумус типи, Сгк/Сфк 0-100 см	0,66 фульватли	0,67 фульватли	0,74 фульватли	0,74 фульватли
5.	«Эркин гумин» кислоталари улуши, Гк суммасидан, %	28,50 паст	40,80 ўртача	29,50 паст	22,90 паст
6.	ФК - 1а (Сфк - 1а) фракция миқдори, С умумийдан %	28,50 жуда юқори	19,70 юқори	20,90 юқори	28,00 жуда юқори
7.	Са билан боғланган ГК улуши, Гк суммасидан, %	33,90 паст	29,70 паст	37,40 паст	38,90 паст
8.	Минерал қисм билан мустаҳкам боғланган ГК улуши, ГК суммасидан, %	37,50 жуда юқори	29,40 юқори	33,10 жуда юқори	36,2 жуда юқори
9.	Гумуснинг азот билан таъминланганлиги, С:N	7,6 юқори	10,7 ўртачадан юқори	7,9 юқори	5,8 юқори
10.	Сувда эрувчи органик модда миқдори (С <sub>св</sub> ), Сорг нисбатан %	3,12 жуда юқори	3,38 жуда юқори	4,3 жуда юқори	4,0 жуда юқори
11.	Биологик фаол давр (кун)	92 қисқа	93 кам давомли	95 кам давомли	95 кам давомли

\*\*Изоҳ: жадвалда гумусли ҳолати маълумотлари жанубий экспозиция тупроқлари учун келтирилган.

Гумус таркибидаги Сгк:Сфк нисбати тупроқнинг муҳим сифат белгиси ҳисобланади ва ўрганилган лалми бўз тупроқларнинг 0-30 см да гумус типи асосан гуматли-фульватли (0,75-1,0) типга мансуб. Тоғ жигарранг тупроқларда 1,18-1,21 бўлиб, фульватли-гуматли (1,0-1,5), оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқларда 1,30 бўлиб, гуматли (1,5-2,0) типга мансуб. Ўрганилган барча тупроқларнинг қуйи қатламларида ушбу нисбат фульватли (0,5-0,75)

